

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 12-yanvar, shanba № 3 (15641)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни ва барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари кунини ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 21 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда сон жиҳатдан ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоян этмоқда.

Қуролли Кучларни изчил ислоҳ этиш давомида принципиал янги ташкилий-штат тузилмаларини, ҳарбий бошқарув тизимларини, турли қўшин турлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш механизмларини шакллантириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилаш бўйича кўламини ва маъно-мазмунига кўра улкан ва бекиёс ишлар амалга оширилди.

Дунёдаги вазият шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларни модернизация қилиш ва уларнинг жанговар тайёргарлигини, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини оширишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юзага келаётган мураккаб шароитда ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи, тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилик, сиёсий ва диний радикализм ва экстремизм, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда можароларнинг давом этаётгани, биринчи навбатда, АЙСЕФ деб аталмиш халқаро коалицион кучларнинг Афғонистондан 2014 йилгача ва ундан кейин олиб чиқиб кетилиши кўзда тутилаётгани билан боғлиқ равишда кескинликнинг янада ортиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятида ҳақли равишда хавотир уйғотмоқда. Бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий инфор­мация таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмастан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас.

Минтақамизда ташқи кучлар ўртасидаги манфаатлар курашининг кучайиб бораётгани вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Чегарага яқин ҳудудларда бузғунчи тўдалар ва кўпоровчи-террорчи гуруҳларнинг фаоллашуви, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, сиёсий ва миллатлараро зиддиятларнинг кескинлашиб бораётгани оқибатида ҳарбий-сиёсий вазиятни издан чиқариши мумкин бўлган жиддий таҳдид ва хатарлар пайдо бўлмоқда.

Сарҳадларимизга бевосита яқин ҳудудларда мураккаб вазият юзага келаётгани, биринчи навбатда, юқорида зикр этилган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бар­тараф этиш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда катта акс-садо бераётган ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепция­сини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун айнан ана шу мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда)



Сардор Муллажонов фотоколлажи

14-yanvar — Vatan himoyachilari kuni

ОБОД ВА ФАРОВОН ВАТАНИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

«Туркистон» саройида 11 январь кунини Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига

байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш мустақилликнинг дастлабки кунларидан давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этил-

ди. Бу миллий армиямизни шакллантириш, ҳарбий таълим соҳасини ривожлантириш, муддатли ҳарбий хизматга қақирувни ташкил қилиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сақлаш ва такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йил 14 январдан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Ушундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-

да мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилиши белгилаб қўйилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларида Қуролли Кучларимизнинг ташкилий асослари ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми, боши 1-бетда)

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистоннинг турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслиги, ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга экани, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, мустақил, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принциплар аниқравшан баён этилган.

Айни вақтда Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатимиз суверенитети ва унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш борасидаги ишларни давом эттириш ана шу ташқи сиёсий стратегияни изчил амалга ошириш, Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим шарт ва кафолатидир.

Қуролли Кучларни қўллаш стратегияси ва тактикасини янада такомиллаштириш, жанговар операцияларни олиб бориш бўйича замонавий тажрибани чуқур ва пухта эгаллаш, шунингдек, шерикларимиз бўлган мамлакатлардаги ўқув ва тадқиқот марказларида қўмондонлик таркибининг малака ошириши бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режаларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат чегараларимизни кўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бўлинмаларни реал вақт мезонлари асосида самарали бошқариш имконини берадиган замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларини қўшинларни

бошқариш тизимига кенг ҳарбий этиш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш даркор.

Қўшинларнинг ўқув, жанговар тайёргарлиги маъно-мазмунини тубдан ўзгартириш Қуролли Кучлар қўмондонлигининг устувор вазифаси ҳисобланади. Тезкор-тактик, қўмондонлик-штаб ўқув машқларини пухта режалаштириш, уларни жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирган ҳолда олиб бориш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам фоят жиддий эътиборни талаб қилмоқда. Ўқув машқлари давомида моделлаштириш ва симуляция усулларида фаол ва кенг фойдаланиш, мамлакатимиз ҳудудида суқилиб киришга уринадиган бузғунчи тўдалар, қўпуровчи-террорчи гуруҳларни бартараф этиш бўйича жанговар операцияларни олиб боришнинг турли модель ҳамда вариантларини синаб кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Қуролли Кучларни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан қайта таъминлашни давом эттириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши шарт. Бу соҳада шерикларимиз бўлган хорижий мамлакатлар билан халқаро ҳарбий-техник ҳамкорликни яхшилаш ва унинг кўламини кенгайтириш зарур.

Ҳарбий кадрлар, биринчи навбатда, чуқур билимга эга бўлган ва замонавий фикрлайдиган, интеллектуал етук офицерларни, шунингдек, бугунги кунда армияимизнинг ўзагини ташкил этаётган юксак профессионал малакали кичик командирлар — сержантларни тарбиялаш тизимини тубдан яхшилаш ҳам Қуролли Кучлар қўмондонлиги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши даркор.

Бу борада ҳарбий билим юртлари ва сержантлар мактабларида ҳарбий кадрларга ҳарбий соҳа ва ҳарбий санъат ривожига асосий тенденцияларни акс эттирадиган, принципал жиҳатдан янги мутахассислик ва илм-фан йўналишларини жанговар ҳаракатларни олиб боришнинг хорижий тажрибаси, замонавий шакл ва методларини ҳисобга олган ҳолда ўргатиш олдимизда турган ишларнинг энг масъулиятли жабҳаси, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Армияда офицерлар, сержантлар ва оддий аскарларда юксак маънавий фазилатлар, мустаҳкам ирода, Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини камол топтириш, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишлар тизимини тубдан яхшилаш Қуролли Кучларимиз барча бўғинлари командирларининг алоҳида муҳим вазифасидир.

Шуни яхши англаб олиш кераки, бугунги кунда ҳарбий хизматга чақириладиган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади. Ҳозирги вақтда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг, миллий армияимизнинг ана шундай янги қиёфа-

сини ҳисобга олган ҳолда, эски қолип ва мезонлардан қатъий воз кечиб, мавжуд Умумқўшин уставлари, қўлланмалари, қоида ва йўл-йўриқларини, ўқув-тарбия ишларини, қўшинларнинг жанговар хизмат фаолиятини ташкил этишнинг шакл ва методларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Ушбу йўналишдаги ишларимизнинг бош мақсади Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ёшларда қатъий ирода ва характер, ҳаётини позицияни шакллантириш, уларнинг юксак инсоний фазилатлар соҳиб ва жисмоний чиниққан бўлишларига эришиш, ўз билим ва малакасини такомиллаштириш, фан-техника янгиликларини эгаллаш, мамлакатимизда хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш борасидаги ўзининг ҳарбий бурчини сидқидилдан адо этиш учун интилиб яшашга хизмат қиладиган муҳитни мустаҳкамлашдан иборат бўлиши керак.

Бу вазифани амалга оширишга Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши, маданият, санъат, спорт намояндалари, мамлакатимиз кенг жамоатчилиги вакиллари фаол жалб этиш лозим.

Юртимизда 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар куриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, уларда бугунги кун талабларига, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг эҳтиёжларига жавоб беради-

ган барча қулайликларни яратишга қаратилган давлат дастурларини изчил амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, ҳарбий тузилмаларга эга бўлган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг муҳим вазифасидир.

Қуролли Кучларимиз олдида қўйилган бундай долзарб вазифаларни амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб, ҳарбий округлар ва қўшин турлари қўмондонлари, бригада командирлари, барча офицерлар таркиби томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг миллий армиямиз ташкил этилганининг 21 йиллиги байрами муносабати билан қабул қилинган Директивасида баён этилган кўрсатма ва қоидаларни сўзсиз бажаришни тақозо этади.

Хурматли ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан сизларни яна бир бор табриклар эканман, бугунги кунда миллий армиямиз сафларида мураккаб ва масъулиятли вазифани, Ватан олдидаги ўзининг муқаддас бурчини шараф билан адо этиб, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб келаётган барча ҳарбий хизматчиларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Янги 2013 йилда сизларга мустаҳкам соғлиқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги олижаноб фаолиятингизда ютуқ ва зафарлар, куч-ғайрат, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

ОБОД ВА ФАРОВОН ВАТАНИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

(Давоми, боши 1-бетда)

Армиянинг салоҳияти, аввало, унинг сафларида хизмат қиладиган кучли, садоқатли ва жасур, миллий армиянинг жанговар қудратини оширишга хизмат қиладиган фуқароларга боғлиқдир. Бугунги кунда армиямиз нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни пайтда у ҳарбийларимизда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклландиган, жисмоний чиниқиб ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий ҳаёт мактабига айланган. Муддатли ҳарбий хизматга чақирув чоғида чақирилувчиларнинг соғлиғи, билим ва кўникмалари, дунё-

қараши синовдан ўтказилаётгани Қуролли Кучларимиз нуфузи ва қудратини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Армия сафларида аскарлар жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосликларни ўзлаштирмоқда. Ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услублари бўйича билимини оширмоқда. Замонавий қурол-яроғларни ишлатишни, ҳарбий тактикани пухта эгаллаб, том маънода ҳарбий санъатни ўрганмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини та-

комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида муддатли ҳарбий хизматга чақирув йилига бир марта — февраль-март ойларида ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалдаги имтиёзлар кенгайтирилди ва янада такомиллаштирилди. Бу ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматни ўташ чоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, миллий армиямиз сафлари-

ни жисмонан бақувват, маънавий етук ёшлар билан тўлдиришга хизмат қилаётди.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини яхшилаш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 10 январдаги фармонига мувофиқ Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йигилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топ-

ширилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг илғор мутахассис» танлови якунлари бўйича 2012 йилдаги энг илғор взвод, гуруҳ командирлари ва энг илғор сержантлар аниқланди. Мазкур танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси, сержантлар тайёрлаш мактаби ҳам мукофотланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Иқбол Мирзо, Тошкент шаҳридаги 223-ўрта мактаб ўқитувчиси, аскар онаси Аззатжон Каримова, II дара-

жали «Шон-шараф» ордени соҳиб, подполковник Зокир Сайфулов, «Жасорат» медалга соҳиб, шартнома бўйича хизмат қиладиган оддий аскар Эркин Темиров тадбир қатнашчиларини Ватан ҳимоячилари кўни байрами билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғам-хўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

Тантанали маросимда байрам концерти намойиш этилди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

Инсонпарварлик ифодаси

Эндигина ўн олти ёшни қаршилаган Латофат Сурхондарё вилоятдан. Тақдирнинг аёвсиз синовларига жуда эрта дуч келган қиз болалигидан назоратсиз қолган. Хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилишини тушунмаслик туфайли жиноятга қўл ургангани энди афсус билан эслайди. Ўғирлик жиноятини содир этган ўсмир қиз Латофат уч йилга озодликдан маҳрум қилинганди. Жазо муддатининг салкам бир йилини ўтагач, амнистия акти қўлланилиб, озодликка чиқди. Жазо колониясидаги мактабда ўқиди, тикувчиликни ўрганди. Энди уйга қайтгач, тикувчилик билан шуғулланмоқчи.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли аёллар жазони ижро этиш муассасасида халқимизнинг инсонпарварлиги, кечиримлилиги ифодаси сифатида Латофат каби бир гуруҳ вояга етмаганларга, аёллар ва ёши катта фуқароларга амнистия акти қўлланилиб, белгиланган жазодан озод этилдилар. Ҳуқуқий билимлари саёзлиги туфайли тўғри йўлдан адашган маҳкума аёллар, вояга етмаган қизлар ҳам озодликка чиқдилар. Қилаётган хатти-ҳаракатларининг оқибатини ўйламаслик оқибатида баъзи юртдошларимизнинг содир этган жиноятлари ҳуқуқимиз томонидан миллатимизга хос бағрикенглик, меҳр-оқибатликнинг ҳаётдаги акси сифатида кечирилди.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари олий қадрият саналган мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари қонуний асосларда таъминланади. Республикаимиз Президенти тақдимномасига биноан, Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Ушбу қарорда жазога тортилган аёллар, вояга етмаганлар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва чет эл фуқаро

роларининг жазодан озод қилиниши назарда тутилган. Шунингдек, бир неча тоифадаги маҳбусларга жазо муддатининг қисқартирилгани, жазо турининг энгилроғига алмаштирилиши баён этилди. Мазкур ҳужжатда озод этилаётган фуқароларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам белгилаб берилган. Жазодан озод этилганларни ҳисобга олиш, уларни иш билан таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтожларни қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни эса, ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда, уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш амнистия ҳақидаги қарорнинг муҳим қисми ҳисобланади. Эндиликда амнистия актини қўллашда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги айни муддао бўлаётир. Шу йўналишда ҳамкор ташкилотлар жазони ўташдан озод этилган фуқароларга нисбатан ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга оширмоқдалар. Амнистия қарорининг ижроси сифатида жазодан озод этилаётган шахсларнинг жамиятга мослашувига кўмаклашиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъмин-

лаш бўйича бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Ана шундай хайрли ишларнинг илк босқичи сифатида маҳкумларни озод этиш тадбирлари жазо муассасаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтмоқда. Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган жазони ўташ муассасаларида ҳам маҳкумларни кузатиш тадбирлари ташкил этилмоқда. Зангиота туманида жойлашган аёллар колониясида, вояга етмаганларга мўлжалланган тарбия колониясида, Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли республика касалхонаси ва шу каби муассасаларда мазкур қарор ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳам шулар жумласидандир.

— Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги қарор юртимизда инсонпарварлик тамойили ҳаётда ўз аксини тўлатувчи намоён этаётганини билдиради, — деди ИИБ жазони ижро этиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Азамат Бегалиев. — Билмай хато қилган ва пушаймон бўлган шахсларни кечириб, уларга тўғри йўлдан адашмасликка яна бир имкон бериш азалдан халқимизга хос фазилатдир. Жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, уларни оиласи бағрига қайтариш ҳамкорликда амалга ошираётган хайрли ишларимизнинг бир қисми ҳисобланади. Ҳар йили амнистия қарорининг ижроси таъминланиб, минглаб маҳкумлар ўз уйларига қайтмоқдалар. Озод этилган шахсларнинг жамиятимизда ўз ўринларини топишлари учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Жазони ижро этиш манзилларидан озод

этилган шахслар яшайдиган жойлардаги ижтимоий мослашув марказларига, тегишли идораларга хабарномалар жўнатилиб, уларнинг кейинги ҳаёти назорат остига олиниши таъминланмоқда.

Амнистия тўғрисидаги қарорда жазодан озод этилаётганлар орасида, энг аввало, аёллар ва вояга етмаганларга биринчи галда эътибор қаратилган.

— Бу ерда ўтган вақтим давомида инсон фақат ҳалол йўл билан пул топиши лозимлигини яна бир қарра тушуниб етдим, — дейди фарғоналик йигирма бир ёшли Дилноза. — Аёл киши учун оиласидан, фарзандларидан йироқ бўлиш жуда оғир бўлишини икки ёшли ўғлимни соғинганимда ҳис этдим. Қилмишларимга яраша жазо ўтаётган пайтимда аёл киши учун, она учун оқибати хунук ишлар нима эканини яхши англаб етдим. Пул топиш учун эгри йўлларга қадам босган инсоннинг жиний қилмишларига жазо муқаррар экан. Ноқонуний тарзда чегарадан ўтиб, одам савдоси жиноятга аралашиб қолдим. Тўрт йилга озодликдан маҳрум этилган эдим. Саккиз ой аёллар колониясида жазо ўтаганимдан кейин амнистия шарофати туфайли озодликка чиқадиган бўлдим. Бу ерда мен каби адашган, қилмишларининг оқибатини тушунмаган аёлларнинг кўпи амнистия акти туфайли озодликка чиқишмоқда. Юртбошимиз, ҳуқуқимиз биз каби хато қилган аёлларнинг оиласи бағрига қайтишига имкон берганидан жуда суюндик. Бундан кейин болаларим, оилам билан фақат эзгу амалларга қўл ураман, деб ўзимга сўз бердим.

Мазкур қарор ижросини таъминлашга қаратилган яна бир тадбир Зангиота туманидаги вояга етмаганлар тарбия

колониясида ҳам ташкил этилди. Маҳкум вояга етмаганларнинг шахсий ҳужжатлари йигирма жазо сифатида тайёрланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборилди. Амнистия акти доирасига тушган маҳкумлар билан жазони ижро этиш муассасаси ходимлари томонидан психологик суҳбатлар ўтказилмоқда. Уларни озодликка тайёрлаш, жамиятга тез ва осон мослашиб кетишларига кўмаклашиш йўналишида ҳамкор ташкилотлар билан режали ишлар амалга оширилмоқда. Вояга етмаганларнинг оилада, жамиятда ўз ўрнини топишлари учун мутахассислар иштирокида суҳбатлар ташкил этилди. Маҳкумларни кузатиш тадбирида эса, уларни ота-оналари, яқинлари кутиб олдилар. Маҳалла фуқаролар йиғини, ёшлар ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда ҳуқуқий билимлари саёзлиги туфайли жиноят содир этган вояга етмаганларга амнистия акти қўлланилиб, озодликка чиқишлари қувончли воқеа бўлди.

— Жиноятнинг ҳам, жиноят содир этган шахснинг ҳам катта-кичиги бўлмас экан, — дейди биз билан суҳбатда фарғоналик ўн етти ёшли Салоҳиддин. — Жиноятга жазо муқаррар эканлигини ҳар бир инсон билиши зарурлигини қилмишларимга яраша жазо тайинлангандан кейин яхши билиб олдим. Ўғирлик қилиб қўлга тушдим. Текин тешиб чиқар, деганлари шу бўлса керак. Катталарнинг гапига кирганимда, қинғир йўллардан қайтган бўлардим... Энди уйга қайтсам, ўқишни давом эттириб, касбунара эгаллайман. Ҳаётда ҳалол пул топишга ҳаракат қиламан.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири

Кўксидан бир чўғ ёнар бу юрт фарзандларининг!

Шу кунларда юртимизнинг барча жойларида байрам нафаси ҳукм сурмоқда. Кўксидан Ватанга, халқимизга муҳаббат жўш урган тенгдошларимиз ҳам бундан четда қолаётганлари йўқ. Улар ҳам 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан бўлиб ўтаётган байрам тадбирларида фаол иштирок этишмоқда. Ҳаракат тизимида ўтказилган ана шундай тадбирлар ҳақида вилоятдаги мухбирларимиз хабар қилади.

АНДИЖОН. Олимпия заҳиралари коллежида вилоятдаги ҳарбий қисмлар шахсий таркиби ўртасида «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч-осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир!» шиори остида югуриш, арқон тортиш, сузиш, армрестлинг бўйича мусобақа ўтказилди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросими ташкилотчиларнинг байрам табриги билан бошланди. Шундан сўнг ҳарбий хизматчилар томонидан қўл жанги бўйича ҳарбий-жанговар тайёрлик борасида кўргазмалар чиқишлар

намоиш этилди. Санъаткорлар ижросидаги концерт дастури ҳарбий хизматчи ва аскарларга байрамона қувонч бағишлади.

Мусобақа сўнгидан энг илғор учта ҳарбий қисм жамоалари голибликни қўлга киритди. Голиб жамоалар Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланди.

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоят «Ёшлар маркази»да 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан «Тафаккур» интеллектуал ўйини ҳамда маданий тадбир бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилоят кенгаши ва Жануби-ғарбий маҳсус округ кўмондонлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ҳарбий қисмларда хизмат вази фасини ўтаётган ҳарбийлар интеллектуал салоҳиятини синовдан ўтказишди.

Тадбир офицерлар уйи Қарши гарнизони оркестр жамоаси томонидан ватанпарварликни мадҳ этувчи куйлар билан бошланди. Шундан сўнг Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси Фурқат Норматов сўзга чиқиб, ҳарбийларни Ватан ҳимоячилари кунини байрами билан қутлаб, она-Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли бурчни адо этишларида муваффақият ва зафарлар тилади.

Тадбир охирида интеллектуал ўйинда голибликни қўлга киритган Қарши шаҳридаги ҳарбий қисм ҳамда фаол иштирок этган жамоалар Ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

НАВОЙЙ. Вилоят «Ёшлар саройи»да «Ватанпарварликни чинакам эътиқодга айлантирайлик!» мавзусида маданий тадбир ўтказилди. Ушбу тадбир Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан муҳофаза ишлари, адлия, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамда Навоий педагогика институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда сўз олганлар ўтган йиллар давомида мамлакатимизда хавфсизликка доир бир қанча қонунлар ва Президент фармонлари қабул қилиниб, юртимиз хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги, ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек, истиқлол йилларида Ўзбекистон Куролли Кучлари тизимида олиб борилаётган ислохотлар, ёш ҳарбий оилаларга берилаётган имтиёзлар, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Тадбир давомида маданият ва спорт

ишлари бошқармаси томонидан тайёрланган концерт дастури намоиш этилди. Ва узоқ йиллар давомида ўз касбини шарафли бажариб келаётган ҳарбий тиббиёт ходимлари «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Олмазор туманидаги 243-мактабда тумандаги умумтаълим муассасаларида таҳсил олаётган, туман вояга етмаганлар комиссияси ҳисобидан турувчи ва диний экстремистик оқимга мойил бўлган оила фарзандлари учун «Ақлга — билим, қалбга — маънавият» шиори остида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбир туман ҳокимлиги, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинар-тренинг давомида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, ўзларига шир топилди, деворий газеталар танловига тайёргарлик кўришди. Шунингдек, маҳсус дастур асосида уларнинг маънавий ва руҳий ҳолати, оилавий муҳити ўрганилди. Кунининг иккинчи ярмида қувонқ сартлар, арқон тортиш, шахмат-шашка ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Семинар якунида ўқувчиларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалар топширилди.

Содиқ ТўРАЕВ тайёрлади

«Kamolot» hududi

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Сенга қалқонман, юртим!

«Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгаши ушбу шнор остида вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамкорлигида ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик фестивалини ўтказди.

Тантанали тадбир иштирокчиларнинг «Мотамсаро она» хайкали пойига гулчамбар қўйиш маросимидан бошланди. Шундан сўнг иштирокчилар мустақиллик йилларида қайта сайқал топган қадим обидалар ҳамда замонавий кўринишда барпо этилган иншоотлар билан яқиндан танишди.

Фестиваль лойиҳасидан ўрин олган «Кучли, жасур фарзандимиз!» шиори остидаги спорт ҳамда ҳарбий жанговарлик беллашувлари ҳарбийликка ихтисослашган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг куч ва са-

лоҳиятини яна бир бор синовдан ўтказди. Унда ўқувчи-ёшлар калратэ, кунфу, дзюдо, қўл жанги, кураш ва футбол бўйича ўзаро беллашди.

«Дилқушо» теннис мажмуасида ўтказилган ёш спортчилар кўргазмаси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазмада голиб ва фаол қатнашчиларга ўсимирлар ўртасида футбол бўйича Осие чемпионни Акобир Тўраев, дзюдо бўйича паралимпия спорт мусобақалари совриндори Шариф Халилов, ўзбек жанг санъати федерацияси аъзоси Валижон Шамшиев

«Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгашининг фахрий ёрлик ва қимматбахо совғаларини топширишди.

«Биз Ватанга қоямиз, мустақам ҳимоямиз!» шиори остидаги ёшлар ватанпарварлик фестивалининг навбатдаги учрашувлари вилоят мусиқали ва драма театрининг мухташам биносида бўлиб ўтди. Ушбу тadbирга тақдирини Ватан тақдирини билан боғлаган, унинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида жонини фидо қилган ҳарбийларнинг оила аъзолари, ота-оналари тақлиф этилиб, уларга спектакль намойиш этилди.

Фестиваль сўнггида лойиҳа дастурларидан ўрин олган беллашувларда голиб бўлган ва фаол қатнашган ёшлар турли номинациялар бўйича муносиб тақдирланди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири



Соғинчли салом

(Аскар мактуби)

Ассалому алайкум, азиз онажоним! Соғлиқларингиз қандай? Ойламиниз-дагиларнинг ҳаммаси яхши юрибдими? Мендан сўрасангиз, ҳаммаси зўр! Бир-бирдан дилқаш, бир-бирдан жасур сафдошларим билан биргаликда, она-Ватанимиз олдидаги муқаддас бурчимизни адо этаёلمиз. Ҳаммамиз Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилаётганимиздан бирдек мамнунимиз!

Онажон, эсингиздами, бир сафар даладан чарчаб келиб, арзиманг қийинчиликларни деб сизнинг дилгизини оғритиб қўйганим. Бугун ўша ўсмир боладан — ўзимдан уялман шундай қилганим учун. Чунки бугун англаб етдим, онажон: йигит киши арслондек ёвқур, йўлбарсдек шиддатли, бўридек чидамли, ғайрат-шижоатли бўлмоғи керак экан! Эл-юртни ана шундай мард ва баходир ўғлонлар кўриқлар экан. Бугун мен ҳам ана шундай йигитлар сафига эканлигимдан, ортимда сиздек дуоғўйим, отамдек меҳрибоним борлигидан, мухтарам юртбошимиз-

дек фидойи Президентимиз борлигидан фахрланаман, онажон.


Бўш вақтларим ҳам сермазмун ўтаётир бу ерда. Ҳарбий қисмидаги мўъжазгина кутубхонага кириб, олий ўқув юртига кириш учун аскарларга бериладиган имтиёзни олиш мақсадида тест синовларига тайёр-гарлик кўраёпмиз. Насиб этса, имтиёзни қўлга киритиб, юртимиздаги нуфузли ҳарбий билим юртига ўқишга қираман. Келажакда офицер бўлиб, эл-юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги хизматини давом эттириш ниятидаман.

Меҳрибон онажоним, тўғриси

айтсам, ҳаммангизни жуда соғиндим. Айниқса, жиянларим Қувончбек ва Мадинани кўргим, уларни кудририб, ўйнатиларим келади. Айтганча, Мадина аллақачон юриб ҳам кетгандир-а? Мен борганимда «Ажажон!» деб олдимга югуриб чиқса, танимай қолмайин-да тагин. (Ҳазил!) Улар ҳам катта бўлиб қолишган бўлса керак. Онажон, мендан хотиржам бўлинг. Хизматларим жуда яхши. Қуни-кеча ҳарбий қисмида бошчилиги бир гуруҳ аскарларни 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тақдирлади! Улар орасида мен ҳам борман!

Онажон, дадамга, мени сўраган барча яқинларимга, жўра-йўлдошларимга соғинчли саломимни етказин! Сизларга сичат-саломатлик тилаб, соғиниб қолувчи аскар ўғлингиз:

Собит Арзикулов,
Тошкент шахрида муқаддатли
ҳарбий хизматни ўтаётган
оддий аскар



«Kamolot» loyiholari

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Камолот» ЁИХ Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан шаҳардаги ҳарбий қисмада йигитлиги бурчини ўтаётган ёшлар билан учрашув ташкил қилинди. Тadbирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, номдор стипендиялар соҳиблари, Ҳаракат фаоллари иштирок этишди.

Аскарлар ҳузурда



Тadbир аввалида Ватанга хизмат қилиш ва унинг сарҳадларини ҳимоя қилиш хар бир йигит учун муқаддас бурч эканлиги, мамлакатимизда ҳарбий соҳада орилиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчиларга яратилиб берилаётган шарт-шароитлар, муқаддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун берилган имтиёзлар ҳақида гапирилди. Хизмат давомида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда шахсий намуна кўрсатган сержант ва аскарларга эсдалик совғалар топширилди.

Учрашув якунида миллий эстрадаимизнинг ёш хонандалари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Шунга ўхшаш учрашувлар Самарқанд шахридаги бошқа ҳарбий қисмлар ва ҳарбий мактабларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

Наргиза БАҲОДИРОВА,
«Turkiston» мухбири

Тинчлик ва осойишталигимизнинг ишончли қалқони

Бугунги замонавий, ихчам, тез ҳаракатлана оладиган профессионал армиямиз ҳамда унда хизмат қилаётган мард ва жасур йигитларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки ана шундай забардаст армия мустақил Ватанимизнинг осойишталигини, миллий хавфсизлигини, тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлабгина қолмай, барқарор тараққиёт ва нузли истиқболимизнинг кафолатидир.

Дарҳақиқат, мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунларданқо, мамлакатимизда Қуролли Кучларни мустақамлашга қаратилган қатор ислохотлар бошқамбоқшиқ амалга оширилди. Аввало, ушбу тизимни қонун йўли билан ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Дастлабки қадам Бош Қомусимизнинг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикасида яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи» деган модда билан қатъий белгилаб қўйилди. Президентимиз раҳнамоллигида 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллий хавфсизлигимизни ҳимоя қилиш-

ни кучайтириш борасида мустақам қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларни резервдаги хизмат тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари Қуролли Кучларнинг сифат жиҳатидан тузилишларини ўзида мунга жассам этди. Муҳтарам юртбошимиз И. Каримов мазкур масалага алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: «Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессоинал армияни, ўз таркибиде яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқида, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанимиз шаъни ва қадриятини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни бошқамбоқшиқ вужудга келтириш борасида иборат қилиш лозим. Мақсад, микдор жиҳатдан унча катта бўлмаган,

лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекамқўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир». Утган йилга йил давомида мақсад қилиб олинган ана шундай эзгу амаллар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини қўриқлашга қодир, замонавий ҳарбий техника билан таъминланган, профессионал армия вужудга келди. Қуролли Кучларни ислоҳ қилишга қаратилган Давлат дастури эса миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан муқлакко янги тизимига ўтиш имконини берди. Шу боисдан ҳам ҳарбий хизмат муддати бир йил этиб белгиланди, сафарбарлик-чакирув резерв хизмати жорий этилди ва бу жараёнлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ҳар қандай хавф-хатарга таърир туриш учун қўшнларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлаш, амалиётда халқор таърибга усулларидан фойдаланиш борасида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилиши натижазида жамиятимизда

ҳарбий хизматга ишонч, ёшлар орасида эса ҳарбий касбларга қизиқиш янада ортди. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Уларни ўқитиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқилди. Бу тизим ҳарбий хизматчиларни ихтимоий ҳимоя қилишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Шу маънода уларни уй-жой билан таъминлаш, кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш, моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш борасида Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли амалий ишлар олиб борилмақда. Бу эса ҳарбийларга қатор имконият ва имтиёз яратмоқда.

Юртбошимиз Қуролли Кучларнинг 20 йиллигига бағишлаб йўллаган байрам табригида кейинги беш йилда ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган оийлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули саккиз мартадан кўпроқ оширилганлигини таъкидлади. Шунингдек, муқаддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари, жумладан, олий ўқув юрталаридаги киришда уларга давлат томонидан имтиёзлар берилгали қўйилган ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилётганлиги мамлакатимиз Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўси янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Миллий армиямизнинг юртимизда яшаётган аҳил-иноқ миллатларидан ташкил топган офицерлари, аскарларининг сарҳадларимизни му-

стақам ҳимоялаш ҳамда осойишталики таъминлаш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижазида эл орасида уларнинг нуфузи кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу боис мазкур касб эгаларининг байрами мамлакатимизда кенг нишонланади. Ушбу сана арафасида йўлланадиган Президент табригида амалга оширилган ишлар тахлил қилиниши баробарида бағишларимиз лозим бўлган галдаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки мамлакат чегарасини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилиш учун, аввало, ички мудофаа хизматини мустақамлаш, миллий армиямизнинг ҳарбий тайёргарлик салоҳиятини ошириш, энг муҳими, халқимизнинг оғоҳ ва серкак бўлишида катта масъулият уйғотди. Атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги глобаллашув даврида кўпгина ривожланган мамлакатларда иктисодий инқирознинг салбий таъсири тўбора кучайиб бормоқда. Энг ёмони, инсоният ҳаётига хавф солувчи халқор терроризм, нарқобизнес ҳамда турли омивий таҳдид ва қуролли тўқнашувларнинг мавжудлиги бизни янада ҳушёрликка, ўз Ватанимизнинг ишончли ва кафолатли таянчи бўлишига ундайди.

Ҳабарингиз бор, 2010 йил 12 январь куни Президент Ислам Каримовнинг бевосита ташаббуси ва гоёси билан пойтахтимизда «Ватанга қасамёд» хайкали барпо этилди. Мазкур мажмуада халқимизнинг мард ва жасур ўғлонли муқаддас байроғимизни кўзига тўтиб қилиб, Ватан ҳимояси учун, боболаримиз ётган азиз тупроқни кўз қорачигидек асраб-авайлашга тайёр эканлиги қасамёд қилган холда тасвирланган. Унга ҳамоҳанг тарзда фарзандига оқ йўл тилаб, қўлларини дуога оч-

ган она сиймоси акс эттирилган. Ушбу ёдгорликнинг очирилишига бағишлаб ўтказилган тантанали тadbирда юртбошимиз шундай деган эди: «Чиндан ҳам, ўзининг мустақам иродаси, Ватанга садоқати билан ҳақиқий қаҳрамонликка тайёр бўлган ҳарбий ўғлонларни мен ўз фарзандларим, ўз болаларим, деб биламан ва улар учун бутун борлигимни беришга тайёрман». Бу сўзлардан раҳланган ҳар бир ватандошимиз, табиийки, қалбига юртга садоқат, онага муҳаббат ва юртбошимизга ҳурмат туйғуларини жо этади.

Албатта, юрт тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва профессоинал армиямизнинг мустақам ривожиде, мудофаа салоҳиятининг юксалишида миллий қонунчиликнинг, қолаверса, мамлакат парламентининг алоҳида ўрни бор. Утган қисқа давр ичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш тизимини тақомиллаштириш борасида қабул қилинган кўплаб қонунлар фикримизнинг аяқол далилидир. Шундан бўлса керак, мудофаа қудрати миллий қонунчилик асослари билан янада мустақам ривож топмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2012 йил 11 сентябрь куни имзоланган «Ўзбекистон Республикаси «Мардлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги қонун қорқорлагига мақсад ва вазифаларимизни тўла ифода этади. Ушбу қонун ўз мазмун-муҳияти ва аҳамиятига кўра бешта моддадан иборат бўлиб, унда «Мардлик» ордени таъсис этилишига оид ҳамда «Мардлик» ордени тўғрисидаги Низом, «Мардлик» орденининг тасвифини тасдиқлашга доир нормалар мустақамланган. Қонун билан тасдиқланган

Daxldorlik

«Мардлик» ордени тўғрисидаги Низомга мувофиқ, ушбу орден билан ўзини Ватанини ҳимоя қилишга ва она юрт хизматида бағишлаган, бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади. Бир сўз билан айтганда, ушбу юксак мукофотнинг таъсис этилиши она-Ватанимизни ҳимоялаш, халқимизнинг тинч-тотув ҳаётини таъминлаш, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, ҳарбий хизматчиларимизни ўз хизмат вазифалари ва бурчини аъло даражада бажаришга ундаша муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ҳадемай Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 21 йиллигини кенг нишонлаймиз. Шундай кутлуг байрам арафасида амалга оширилган изчил ислохотларга назар ташлар эканмиз, ҳар бир фуқаронинг кунгидан мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, тинч ва осойишта ҳаётимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз билан фахрланиш, гурурланиш туйғуларини кеңиш табиий. Бинобарин, тинчлик бебахо неъмат экан, уни сақламоқ, авайламоқ ва бу йўлда жон фидо қилиш шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Зеро, оқда ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, азиз болақонларимизнинг қувноқ кулгиси, ота-оналаримизнинг фаровон умр кечириши юртимиздаги барқарорлик туфайлидир.

Олим ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты

ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ

*Ватан магар дарёдир,
Кўксимиз — қирғоқлари.
Шул Ватанга керакдир,
Биз каби уйғоқлари.*

*Урлса-да, минг тўлқин,
Кўксим қалқон бўлгайдир.
Хушёр элиниг сарҳади
Гул-чаманга тўлгайдир.*

*Қорачигим ичинда
Оловлар гул Ватан.
Асраганим юракда
Ёлғизгина шул Ватан.*

*Улуғлар авлодиман,
Ботирлик — бобомерос.
Авадан Ватан, кейин жон,
Йигитлигим шунга мос.*

*Ортимизда Ватандир,
Тинч ухлайди овоз юрт.
Ободдир ҳар маъзилнинг,
Юксалавер, овоз юрт!*

Ашурали БОЙМУРОД

«Ташаббус ҳам, ижроси ҳам — ўзимиздан!»

бу — узунлик «Камолот»чиларнинг шиори

Навоий шаҳрида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари III республика анжумани доирасида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази» кўрик-танловида «Камолот» ЁИХ Узун тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази иккинчи ўринга муносиб деб топилди. Бунга ЁИХМнинг чекка ҳудудлардаги ёшларни бирлаштириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш баробарида, уларга ҳунар ўргатиш, соғлом турмуш тарзига жалб этиш борасидаги хизматлари, марказ аъзоларининг ташаббускорлиги ва эришган муваффақиятлари асос бўлди.

Туман ёшларининг таклиф ва эҳтиёжлари инобатга олиниб, марказ 2007 йилда ташкил этилган. Дастлаб унда учта — каратэ, тикувчилик ва тренажёр тўғараклари фаолияти йўлга қўйилди. Кейинчалик туман ёшларининг ташаббуси билан баскетбол, зардўзлик, каштачилик тўғараклари ҳам иш бошлади. Шунингдек, ЁИХМ қошида ташкил этилган беш мингга яқин китоб фондига эга «Истиқлол фарзандлари» ёшлар кутубхонаси ҳам туман «Камолот»чилари та-

шаббуси самараси. Узунлик ёшлар ҳунар ўрганишдан бўш вақтларини кутубхонада китоб мутолааси билан мазмунли ўтказди.

Каратэ тўғараги фаолияти бошқаларига нисбатан самарали экани билан ажралиб туради. Чунончи, ундан республика, жаҳон чемпионлари етишиб чиқаётгани муҳим омил бўлмоқда. Тўғарак аъзоси Зарина Бахтиёрова бешинчи маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлди. Яна бир каратэчи Тохирбек Истаралиев эса, Жанубий Кореяда

ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, бронза медални қўлга киритди. — Бошқа тўғараклар



ҳам ёшлар билан гавжум. Тикувчилик, зардўзлик ва каштачилик тўғараклари тикув машиналари, зарур анжомлар билан таъминланган. Уларда ҳунар ўрганган қизлар касаначилик билан шуғулланыпти. Ўтган йили икки нафар тўғарак битирувчиси банкдан кредит олиб, мустақил тикувчилик фаолия-

тини йўлга қўйди. — дейди «Камолот» ЁИХ Узун тумани кенгаши раиси Бахтиёр Нарзикулов. — ЁИХМга алоҳида

эътиборга муҳтож ёшлар — кам таъминланган оилалар фарзандлари, туман ИИБ профилактик рўйхатидаги ёшларни кўпроқ жалб этишга ҳаракат қиламиз. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида саксон олти нафар кам таъминланган оилалар фарзанди, тўрт нафар ИИБ профилактик рўйхатидаги ўсмир тур-

ли тўғаракларга аъзо бўлди.

Марказда кўнгилочар ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Тўғарак аъзолари иштирокидаги «Биз, ёшлар диний экстремизмга қарши-омиз!» шиори остида ўтказилган ёшлар фестивали узунлик тенгдошларимизни соғлом турмушга

Shunday markaz bor!..

ди Фирдавс Ҳикматов. — Спорт билан шуғулланишимиз, саломатлигимизни мустаҳкамлаш учун тўғаракимизда барча спорт анжомлари бор. Бизнинг ЁИХМ иккинчи ўринни олгани учун янги тренажёр анжомлари жамланмаси билан тақдирланди. Бу ҳам тўғаракимиз имкониятларини ошириб, спорт билан шуғулланувчи тенгдошларимиз кўпайишига хизмат қилади.

Туман «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази етакчилари янги йилни янги режалар билан қарши олди. «Ҳаракатнинг туман кенгаши қошида «Ташаббускор ёшлар» клубини ташкил қилганмиз. Бу клуб аъзолари жойларда тенгдошлари орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи, эрта оила қуришнинг зарарли оқибатлари ҳусусида мулоқотлар ўтказди. Обод турмуш йилида шундай ёшлар клубини ЁИХМ қошида ҳам ташкил қилмоқчимиз. Кутубхона фаолиятини кенгайтириб, китоб фондини кўпайтирмоқчимиз», дейди Ҳаракатнинг Узун тумани кенгаши раиси Бахтиёр Нарзикулов.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири

Mutaxassislik sari

Шиддату ҳавасга элтувчи маскан

Фаллаоролдаги темир йўл станциясига йўлингиз тушса, кўпинча ушбу бекат бошлиғи Алишер Тойлоқов бир гуруҳ ўқувчиларга амалий дарс ўтаётганлигига, нималарнидир тушунтириб турганига кўзингиз тушади. Яхшилаб суриштирсангиз, бу ўқувчилар Фаллаорол саноат касб-ҳунар коллежидан келиб, ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётганлигини билиб оласиз. Демак, Президентимиз қарору фармойишлари амалда ўз ижросини топмоқда.

— Ўтган йили 248 нафар ўқувчи коллежни битирди, — дейди Фаллаорол саноат касб-ҳунар коллежи касбий таълим бўйича директор ўринбосари Эркин Пирматов. — Улардан ўн нафари олий ўқув юрти талабалигига қабул қилинган бўлса, 95 фоиз битирувчи хусусий фирмаларга, фермер хўжалиқларига, мактабларга ишга жойлашди. Саккиз нафар битирувчимиз эса хусусий тадбиркорликни танлади: шулардан тўрт нафари имтиёзли кредит олган. Ўқувчиларга касбий таълим сирларини ўргатишда моддий-техник базамизнинг етарли даражада эканлиги жуда асқотмоқда. Коллежимизда ўн беш йўналиш ичида иккита йўналишга алоҳида эътибор қаратилди: ер усти транспорти ҳамда енгил саноат. Транспорт йўналиши бўйича оладиган бўлсак, устахоналар, ўқув амалиёт хоналари Корея Республикаси гранти асосида келтирилган жиҳозлар билан

таъминланган. Қолаверса, кимё, биология, физика фанлари бўйича ҳам лаборатория хоналаридаги жиҳозлар ҳам Кореядан келтирилган. Енгил саноат йўналиши ҳам шундай, Польша гранти асосида жиҳозланган тикувчилик устахонаси мавжуд.

Коллежда транспорт йўналишини битирган ўқувчиларга ВС тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади. Шу боис бу ерда автодром фаолият кўрсатади. Ўқувчиларнинг бошқаришни ўрганишлари учун «Дамас» автомобили, «Отайўл» юк автомобили мавжуд. Касбий таълим ўқитувчилари талабаларни нафақат транспортга қизиқтиради, балки шу йўналишдаги турли танлов, мусобақаларга жалб қилади. Шунинг учун бўлса керак, ўтган йили транспорт йўналиши ўқувчиси Асқар Жўрабоев «Касб маҳорати» танловининг республика босқичида фахрли ўринни эгаллаб қайтди. Унинг танловда турли амалий



масқларни бажариб кўрсата олганлиги кўпчиликни лол қилганди.

Коллеж маъмурияти аҳил, ҳаракатчан жамоаси билан фахрланади. Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида юртбошимиз фармонига биноан, коллежнинг ишлаб чиқариш таълими устаси Зокир Жалилов «Шўрат» медали билан тақдирланди. У ўз мутахассислиги бўйича бир неча услубий ишланмалар яратган. «Автомобиллар тузилиши» ўқув амалиёти фанини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш бўйича, Корея Республикасидан келтирилган «Дае сунг» G-3 корпорациясининг S – II

синфига мансуб ўқув тренажёрларидан фойдаланиш бўйича яратган услубий ишланмалари шулар жумласидандир.

— Зокир Жалилов доимий равишда коллежнинг режали ишларини бажаришда ва жамоат ишларида фаол иштирок этади, — дейди коллеж директори Аъзам Фозилов. — Янги педагогик технологиялардан ижодий фойдаланиб, ҳар бир ўқув машғулоти мазмунли ва самарали ташкил этади. Бу борада у «Автомобиллар тузилиши» фанидан Х. Мамамовнинг «Автомобиллар» дарслигида қўлланилган топшириқлар асосида ўзининг янги «Мосликни топинг» методини яратган ва

буни ўқув машғулотида фаол қўллаб келмоқда. У Германиянинг «Инвент» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил қилинган «Автомобиль» йўналиши бўйича Тошкент ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг тайёрлов курсида 2004 йил сентябрь ойидан 2005 йил март ойигача ўқиди ва битирув имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, Германия давлатининг Маннхайм шаҳрида малака ошириш курсида таҳсил олиб қайтди.

— «Автомобиллар тузилиши» фани жиҳозларидан дарс жараёнида фойдаланиш самарадорлигини ошириш мавзуда вилоят семинари ва ўқув тренингларини ўтказиб келаман, — дейди Зокир Жалилов. — Хориждан келтирилган жиҳозлардан назарий, амалий ва лаборатория ўқув фойдаланмоқдамиз. Юртбошимизнинг бу ғамхўрлигидан бошим осмонга етди.

Коллеж жамоаси таълим соҳасидаги чуқур ислохотларга ҳамоҳанг қадам ташламоқда. Ёшларга шиддат, ўзгаларга ҳавас, онгимизга маънавий фаровонлик бағишловчи бу қадам хайрлидир.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Сифатли таълим — ёрқин келажак гарови

Istiqbol

Риштон иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежи 2010 йилда туман марказидан етти километр узоқда, Уйрат қишлоғида фаолият бошлаган. 615 ўринли мазкур таълим масканида айна кунда 1163 нафар ёш олти йўналиш бўйича касб ва хунар сирларини ўрганапти. Уларга 70 нафардан ортиқ устозлар мураббийлик қиляпти.

Ўқув юртида таълим самарадорлигини ошириш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Жумладан, она тили фанидан Муҳаммаджон Йўлдошев, инглиз тилидан Мирвоҳид Аҳмадалиев, информатика фани бўйича Фаёз Каримов ҳамда махсус фанлар бўйича Воситжон Абдуғаниев ва Умида Жўраева каби интилувчан устозларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўтган йили коллежга давлат бюджети ҳисобидан қатор фанлар бўйича лаборатория жиҳозлари ва тикув



Махсус фан ўқитувчиси Муқаддасхон Нуралиева ўқувчиларга кийим тикиш технологияси мавзусини тушунтиряпти.

машиналари келтирилди. Тикувчилик устахонасида ўрнатилган «Yamata» русумли тикув машиналари ҳам бошқа фанлар қатори ўқувчиларнинг ўз

йўналишлари бўйича етук мутахассис бўлишларига асос бўляпти.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири



Омади

қўшалок келди

Ҳиндистондаги машҳур «Ким миллионер бўлишни хоҳлайди?» ўйинида биринчи бор аёл киши ғолиб бўлди.

Репетиторлик билан шуғулланувчи Санмит Каур Савх ўн уч саволга тўғри жавоб бериб, 50 миллион рупий (бир миллион АҚШ доллари) эгасига айланди. 37 ёшни қаршилаган уй бекасининг сўзларига қараганда, у бир неча йил муқаддам оғир дардга мубтало бўлиб, тўрт йил тўшакка миҳланиб қолади ва турмуш ўртоғи аёлнинг соғлиғи учун бор-йўғини сарфлайди. Натижада молиявий тангликка дучор бўлдилар. Яқиндагина дарддан халос бўлган аёлнинг бошига яна бир бор омад куши қўнди. Репетиторлик фаолиятини давом эттиришини айтarkan, қизи шу ўйинда иштирок этишга ундаганини таъкидлади ва ундан миннатдор эканини билдирди.

Янада арзонроқ

Халқаро бозордаги энг қimmat техникаларни чиқаришда етакчилик қилаётган «Apple» компанияси, ниҳоят, бозорга нисбатан арзон техника чиқаришини эълон қилди.

Бу лойиҳа эса «iPhone» телефонларидан бошланар экан. Бунга асосий сабаб сифатида, рақиб — «Samsung»нинг «Galaxy S» сериясидаги телефонлари бозордаги улушини икки мартаба орттириб, ундан анча ўзиб кетгани қаралмоқда. «Apple» ходимларининг сўзларига қараганда, телефон кўриниши ўзгармайди, фақат уни тайёрлашда нисбатан арзон бўлган материаллардан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Аниқроғи, янги «iPhone»лар алюминдан эмас, балки пластик-поликарбонатдан тайёрланади. Шунингдек, янада йирикроқ дисплейга эга бўлиши режага киритилган. Кўраимиз, балки шундан сўнг рақибини доғда қолдирар...

Ёш ҳимоячи

мукофотланди

Покистонлик ўн беш ёшни қаршилаган Малала Юсуфзаи «Симони де Бовуар» мукофоти билан тақдирланди.

Парижда бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида қизалоқнинг отаси Зияуддин Юсуфзаи қатнашди. У мукофотни олар экан, қизи билан фахрлигини кўзига ёш олиб айтди. Эслатиб ўтамиз, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилгани сабаб Малалани толибонлар бошидан ва бўйнидан ярадор қилган эдилар. Қизалоқ оғир аҳволда Покистон харбий шифохонасида, сўнгра Буюк Британияда даволанди. Ҳозирги вақтда эса, олдида сўнгги жарроҳлик операцияси турган бўлса-да, Малала анча яхши ва оиласи билан Буюк Британияда қолишни режалаштиришмоқда. «Симони де Бовуар» мукофоти эса, француз ёзувчиси шарафига аталган мукофот бўлиб, 2008 йилдан буён аёл ҳуқуқлари ҳимоячиларига бериб келинмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, одатда, мукофот билан бирга 20 минг евро ҳам топширилади.

Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Мард ўғлонлар улуғланди

«Kamolot» ko'zguisi

Темурийлар тарихи давлат музейи ва «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида 14 январь — Ваган ҳимоячилари кунига бағишлаб «Буюк юрт учун жон фидо!» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, харбий хизматчилар, тарихчи олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, талаба-ёшлар иштирок

этди.

Тадбирда юртимиз Куролли Кучлари салоҳиятини янада ошириш, харбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини муҳофаза этиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, ажодларимизнинг, хусусан, соҳибқирон Амир Темурнинг буюк саркардалик маҳорати хусусида сўз юритилди. Шунингдек, тадбир давомида мутахассислар

турли мавзуларда маърузалар ўқиди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар музей экспозициясидан ўрин олган осори-атиқалар, темурийлар даврига мансуб харбий аслаҳалар билан танишди.

Хайриддин АБУЛФАЙЗОВ,
«Turkiston» мухбири

Ёнғинга бефарқ бўлманг

Mutaxassis ogoh etadi

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда соҳа ходимлари ўзларининг фидойилиги, матонати туфайли таҳликали вазиятларда тезкор қарор қабул қилишлари билан ажралиб турадилар. Ҳар қандай ноқулай шароитда бўлса-да, дадил ҳаракат қилиб, эл-юрт мулкани асраш, ёрдамга муҳтож инсонларни қутқаришда алоҳида жонбозлик кўрсатадилар.



Соҳа хизматчиларининг жасорати уларнинг тилсиз ёвга қарши курашни ташкил этишида алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, соҳа хизмати тармоқлари томонидан ўтган йиллар давомида юртимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлган ёнғинларни тезда, талофатсиз бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда ёнғинлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Соҳанинг моддий-техник таъминоти, замонавий технологиялар, махсус автомобиллар, ўтга чидамли ва ўт ўчирувчи воситалар билан таъминлангани соҳанинг тезкор вазиятларга шайлигини оширади.

Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлигига доир тарғибот ишларини олиб бориш ҳам муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Жумладан, мактабларда, ўрта махсус билим юртлирида, тураржойларда аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни ташкил этишнинг таъсирчан воситаларидан фойдаланган ҳолда профилактик йўналишда тарғибот ишлари олиб борилади. Масалан, табиий газдан фойдаланишда қўлбола мосламаларни қўлламаслик, газдан ўринсиз фойдаланиш ҳам кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини унутмаслик керак. Давлат ва фуқароларнинг шахсий мулкани асраб-авайлаш, энг аввало, вақт ва жой танламайдиган ёв билан курашишда ўз ифодасини топади. Шунинг учун ёнғин келиб чиқишига йўл қўймаслик нафақат соҳа хизматчиларининг вазифаси, балки ҳар бир инсоннинг бурчидир. Яқинларингиз, фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлашда ёнғин хавфсизлиги ходимлари огоҳлантиришларига бефарқ бўлманг.

Камолиддин БОЙНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳридаги 26-ХҲК инспектори, кичик сержант

